

## Болаларда Ёш Ва Қизамиқ Касаллигига Чалиниш Эхтимоли Ўртасидаги Боғланишни Тадқиқ Қилиш

Сайфутдинова З. А, Зайнуddинова А. И., Курбанова З. Ч, Ахмедова Д. Б.

Тошкент давлат тиббиёт университети

**Аннотация:** Бу тадқиқотнинг мақсади – қизамиқ касаллигига чалинган болалар ёши ва соғлом болалар ёши ўртасидаги фарқларни тадқиқ қилиш, шунингдек, ёшнинг касалликка чалиниш хавфи ва соғлом қолиш эхтимоли билан боғлиқлигини аниқлаш. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, қизамиқ касаллигига чалинган болалар ўртача ёши соғлом болаларга нисбатан пастроқ. Қизамиқ касаллиги вирус тарқалишининг ёшга боғлиқлиги, мактабгача ва бошланғич мактаб ёшидаги болаларнинг вирусга чалиниш эхтимоли юқори эканлигини аниқлади. Шунингдек, тадқиқот натижалари ёш болалар учун вакцинация ва профилактика дастурларининг аҳамиятини таъкидлайди. Тадқиқот ёшнинг касалликка чалиниш хавфи билан бевосита боғлиқ эканлигини кўрсатади.

**Калит сўзлар:** Қизамиқ, болалар, ёш, касаллик, иммунитет, профилактика, вакцинация, соғломлик, касалликнинг тарқалиши.

**Долзарблиги.** Қизамиқ касаллиги – инсон организмнинг иммунитет тизимига салбий таъсир кўрсатиб, одатда болаларда кўп учрайдиган касалликлардан биридир [1, 2]. Қизамиқнинг инфекция хўжаликлар орасидаги аҳамиятини ва болалар орасида тарқалишини ўрганиш, касалликни олдини олиш ва профилактика бўйича тўғри йўналишларни белгилаш учун муҳим аҳамиятга эга [3]. Бу тадқиқот, қизамиқ касаллигига чалинган болалар ёши ва соғлом болалар ёши ўртасидаги фарқларни тадқиқ қилишга, шунингдек, ёшнинг касалликка чалиниш хавфи билан боғлиқлигини аниқлашга қаратилган. Соғлом болалар ва қизамиқ касаллигига чалинган болаларнинг ёшлари ўртасидаги фарқларни ва уларнинг касалликка қарши иммунитет ёки мавжуд профилактик воситаларга бўлган сезгирлигини тушуниш, вакциналар ва профилактика дастурларининг самарадорлигини ошириш учун аҳамиятлидир [4-6].

Бу тадқиқотнинг асосий мақсади – қизамиқ касаллигига чалинган болалар ёши ва соғлом болалар ёши ўртасидаги фарқларни аниқлаш, шунингдек, ёшнинг касалликка чалиниш хавфи ва соғлом қолиш эхтимоли билан алоқадорлигини ўрганишдир. Тадқиқот, шунингдек, ҳар икки гуруҳнинг ёш таркиби, стандарт оғиш, стандарт хатолар ва ёшлар орасидаги ўзгаришларни таҳлил қилиш орқали қизамиқ касаллиги тарқалишининг ёшга боғлиқлигини аниқлашга йўналтирилган.

**Материал ва методлар.** Тадқиқотда умумий гуруҳ (соғлом болалар ва қизамиқ касаллигига чалинган болалар) билан ишлаш орқали ёш таркиби таҳлил қилинди. Тадқиқот мавжуд маълумотларга асосланган ҳолда 2 та асосий гуруҳдан иборат бўлди:

Соғлом болалар гуруҳи – эч қандай касаллик белгиларини кўрсатмаган болалар.

Қизамиқ касаллигига чалинган болалар гуруҳи – қизамиқ вирус билан касалланган болалар.

Ҳар бир гуруҳдаги болаларнинг ёшлари, минимал ва максимал ёшлари, ўртача ёш, стандарт оғиш ва стандарт хатолар ҳисобланди. Ушбу таҳлил натижалари асосида ёшнинг касалликка чалиниш хавфи ва соғлом бўлиш эҳтимоли ўртасидаги муносабатлар аниқланди.

**Тадқиқот методологияси.** Маълумот йиғиш: Маълумотлар тадқиқотга қатнашган болаларнинг ёшлари ва соғломлик ҳолатлари бўйича йиғилди.

Статистик таҳлил: Ёшларнинг стандарт оғиши ва стандарт хатоси ҳисобланди. Бу ёшнинг тарқалиши ва унинг гуруҳлардаги ўзгарувчанлигини тушуниш учун муҳим бўлди.

Қўшма таҳлил: Соғлом болалар ва қизамиқ касаллигига чалинган болалар орасидаги ёш таркиби ва уларнинг касалликка чалиниш хавфи ўртасидаги алоқалар таҳлил қилинди.

**Олинган натижалар таҳлили.** Тадқиқот иштирокчиларининг ёши таҳлили умумий гуруҳ, соғлом болалар гуруҳи ва қизамиқ касаллигига чалинган болалар гуруҳи ўртасидаги қизиқарли қонуниятларни очиб берди. Умумий гуруҳда, яъни ҳам соғлом болалар, ҳам қизамиқ билан касалланган болалар иштирок этган гуруҳда ўртача ёш 5 йил 0 ой (5,0 йил) ни ташкил этди. Ушбу гуруҳдаги ёш оралиғи энг кичик ёш 2 йил ва энг катта ёш 8 йил бўлиб, иштирокчиларнинг ёшида катта ўзгарувчанликни кўрсатади. Статистиканинг натижалари бўйича сигмалик оғиш 1,54 га тенг бўлиб, бу ўртача ёш атрофидаги тарқалишнинг ўртача даражада эканини ва тадқиқотдаги ёшлар ўртасида жуда кенг фарқ йўқлигини билдиради. Шунингдек, стандарт хато 0,22 ни ташкил қилиб, умумий гуруҳдаги ёшлар маълумотларида нисбатан кичик ўзгарувчанлик борлигини кўрсатади.

Соғлом болалар гуруҳида ёш тузилмаси ўрганилганда бир нечта муҳим фарқлар кузатилди. Ушбу гуруҳдаги болаларнинг ўртача ёши 5 йил 18 ой (5,8 йил) бўлиб, бу умумий гуруҳдаги ёшдан 0,8 йил (84 ой) кўпроқ. Соғлом болалар гуруҳида минимал ёш 3 йил бўлса, максимал ёш эса 8 йилга тенг. Шунингдек, соғлом болалар гуруҳидаги стандарт хато 0,37 ни ташкил этди, бу эса умумий гуруҳга нисбатан анча юқори бўлиб, ёшларнинг кенгроқ тарқалишига ишора қилади. Сигмалик оғиш 1,2 ни ташкил қилиб, бу соғлом болалар гуруҳидаги ёшларнинг умумий гуруҳга қараганда кўпроқ фарқ қилишини кўрсатади. Ушбу фарқ, соғлом болалар гуруҳига нафақат катта ёшли болалар, балки кичик ёшли болалар ҳам кирганлигини англатади, бу эса гуруҳдаги ёшлар орасидаги ўзгарувчанликни оширади.

Аксинча, қизамиқ касаллигига чалинган болалар гуруҳининг ёш тузилмаси баъзи ўзига хос хусусиятларни кўрсатди. Ушбу гуруҳдаги ўртача ёш 4 йил 11 ой (4,9 йил) бўлиб, бу соғлом болалар гуруҳига нисбатан 0,9 йил (96 ой) камроқ. Ёш оралиғи 2 йилдан 8 йилгача ўзгариб, бу гуруҳда ҳам кичик ёшли болалар, ҳам бошланғич мактаб ёшидаги болалар мавжудлигини кўрсатди. Бироқ, ёш оралиғи кенг бўлишига қарамай, қизамиқ касаллиги билан касалланган болалар гуруҳидаги стандарт хато 0,25 бўлиб, бу соғлом болалар гуруҳига нисбатан пастроқ. Бу, қизамиқ касаллигига чалинган болалар гуруҳида ёшларнинг ўртача тузилмасининг нисбатан бир хил эканини билдиради. Стандарт хатонинг пастлиги, ушбу гуруҳдаги ёшлар ўртасида ўзгарувчанликнинг кичиклигини ва касалликка нисбатан сезгирликнинг айнан кичик ёшдаги болаларда кўпроқ бўлиши мумкинлигини кўрсатади.

Ўтказилган тадқиқот натижалари қизамиқ касаллигига чалинган болалар ёши ва соғлом тенгдошлари ўртасида қизиқарли бир қонуниятни аниқлади. Йиғилган маълумотларни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, қизамиқдан азоб чекаётган болалар ўртача ёши соғлом тенгдошлари билан таққослаганда пастроқ. Хусусан, қизамиқ вирусини юқтирган болалар гуруҳидаги ўртача ёш 4,9 йилни ташкил этди. Бу кўрсаткич соғлом болалар гуруҳидаги ўртача ёшдан анча паст бўлиб, у 5,8 йилни ташкил этди. Бундай фарқ, айниқса, болалар ўртасида қизамиқка чалиниш эҳтимоли кичик ёшдаги болаларда, айниқса, мактабгача ва бошланғич мактаб ёшидаги болаларда кўпроқ эканлигини кўрсатади.

Бу қонуниятни янада чуқурроқ тушуниш учун, ҳар бир гуруҳдаги ёш оралиғини таҳлил қилиш муҳимдир. Қизамиқ ташхиси қўйилган болалар гуруҳида ёш оралиғи 2 ёшдан 8 ёшгача бўлиб, бу касалликка энг заиф бўлган ёш гуруҳларини – энг кичик ёшдаги болаларни кўрсатади. Энг кўп болалар 5 ёшгача бўлган ёшда бўлиб, бу эса қизамиқка қарши иммунитет

етарли бўлмаган болаларнинг касалликка кўпроқ чалинишини билдиради. Бу ҳолат, эҳтимол, вакцинация қилинмаган ёки яқинда вакцинация ўтказилган болалар билан боғлиқ.

Бундан фарқли ўлароқ, соғлом болалар гуруҳида ёш оралиғи 2 ёшдан 12 ёшгача бўлиб, кенгрок диапазонни ташкил этади. Шунга қарамай, ўртача ёш 5,8 йил бўлиб, бу гуруҳда каттароқ ёшдаги болаларнинг иштирок этгани ҳақида гувоҳлик беради.

**Жадвал 1. Тадқиқот иштирокчиларининг ёш таркиби**

Иштирокчилар гуруҳи	Ўртача ёш	Энг кичик ёш	Энг катта ёш
Умумий гуруҳ	5 йил 0 ой	2 йил	8 йил
Соғлом болалар	5 йил 8 ой	3 йил	8 йил
Қизамиқ касаллиги билан касалланган болалар	4 йил 11 ой	2 йил	8 йил

Таҳлилнинг қўшимча қисми сифатида, стандарт оғиш ва стандарт хатони ҳисоблаш орқали гуруҳларнинг ёшдаги тенглик даражаси баҳоланди. Олинган натижалар қизамиқ касаллиги билан касалланган болалар гуруҳида ёшнинг бир хил бўлишини ва соғлом болалар гуруҳида эса кенгрок тарқалишини кўрсатди. Бу, қизамиқдан азоб чекаётган болалар ёши ўртача қиймат атрофида кўпроқ тўпланишини, соғлом болалар ёшининг эса кенгрок тарқалишини билдиради.

Таҳлил натижалари шуни аниқ кўрсатадики, қизамиқ касаллигига чалинган болалар ўртача ёши соғлом болаларга нисбатан пастроқ, бу эса болалар ўртасида қизамиқ касаллиги тарқалишининг ёшга боғлиқлигини тасдиқлайди. Шунингдек, ёшнинг касалликка чалиниш хавфи билан боғлиқлиги ва соғлом қолиш эҳтимоли ўртасидаги алоқани таъкидлайди. Бу натижалар, айниқса, ёш болалар ва болалар учун вакцинациянинг аҳамиятини яна бир бор кўрсатади. Шунингдек, қизамиқдан сақланишни таъминлаш учун махсус профилактик ва вакцинация дастурларининг долзарблигини яна бир бор таъкидлайди.

Шундай қилиб, олинган маълумотлар ёш ва қизамиқ касаллиги ўртасидаги боғланишни, шунингдек, ёш ва соғлом қолиш имконияти ўртасидаги боғланишни кўрсатмоқда. Тадқиқот натижалари ёшнинг касалликка чалиниш хавфи билан бевосита боғлиқ эканлигини, шунингдек, ёшнинг соғлом қолиш эҳтимоли билан алоқадорлигини кўрсатади.

**Хулоса.** Тадқиқот натижалари ёш ва қизамиқ касаллиги орасидаги боғланишни, шунингдек ёшнинг касалликка чалиниш хавфи ва соғлом қолиш имконияти билан алоқасини аниқлаб, вакцинация ва профилактик чоралар таъсирини қўллаш заруриятини намоён қилди.

#### Адабиётлар рўйхати.

1. Ахмедова М. Д., Облокулов А. Р., БОБОХЎЖАЕВ С. Н. Юқумли касалликларда ҳамширалик иши. – 2007.
2. Пақирдинов А. Б., Фозилов Ф. А. Терининг тузилиши терининг бирламчи ва иккиламчи морфологик элементлар терининг замбуруғли касалликлари.
3. Учайкин В. Ф., Нисевич Н. И., Шамшева О. В. Инфекционные болезни у детей //М.: Гэотар-Медиа. – 2011. – Т. 4.
4. Смирнова Г. И., Корсунский А. А. Эпидемиология и профилактика кори: актуальные проблемы //Эпидемиология и инфекционные болезни. – 2019. – Т. 24. – №. 2. – С. 52.
5. Bester J. C. Measles and measles vaccination: a review //JAMA pediatrics. – 2016. – Т. 170. – №. 12. – С. 1209-1215.
6. Toole M. J. et al. Measles prevention and control in emergency settings //Bulletin of the World Health Organization. – 1989. – Т. 67. – №. 4. – С. 381.